

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Үн.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ҲИМОЯЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ  
КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Чориева Дилбар Менгдабиловна**

Ишни судга қадар юритишда химоячи ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари  
.....3

**Чориева Дильбар Менгдабиловна**

Вопросы расширения прав защитника на досудебном производстве .....25

**Chorieva Dilbar Mengdabilovna**

Issues of expanding the rights of defence counsel in pre-trial proceedings .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Yu315 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Топшент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash)) ва "ZiyoNET" Ахборот татлим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тулаганова Гулчехра Захитовна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пулатов Бихтиёр Халилович юридик фанлар доктори, профессор Хасанов Темура Халмаатович юридик фанлар бўйича филсафа доктори (PhD)
Этақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Юристар миллатисини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Топшент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 декабрь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Топшент ш., Сайитпўх кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Топшент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида тағиниши мумкин (997-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Топшент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 11 декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил 11 декабрдаги 5-рақамли реестр баёнмаси).



*Handwritten signature of U.A. Tuxtasheva*

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

*Handwritten signature of D.G. Kamalova*  
Д.Г.Камалова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича филсафа доктори (PhD), доцент

*Handwritten signature of H.S. Salyev*  
Н.С.Салаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошдаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда 80 000 дан ортиқ адвокатлар ва 200 дан зиёд адвокатлар ассоциацияларини ҳамда 170 га яқин ҳуқуқшунослик жамиятларини бирлаштирган ҳолда фаолият олиб боровчи Халқаро адвокатлар Ассоциацияси адвокатларнинг ташқи аралашувсиз касбий фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги<sup>1</sup> ҳам бутун дунёда адвокатлик касбига қаратилаётган эътибордан далолат беради. Бинобарин, ишни судга қадар юритиш ва суд жараёнларида ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши учун шарт-шароитларнинг яратилиши инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг муҳофазасига хизмат қилади. Бугунги кунда БМТга аъзо барча давлатлар томонидан ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш борасида қўллаб-қувватлаш ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда адвокатларнинг ўз касбий фаолиятларини амалга оширишлари учун зарур ҳуқуқий майдонни яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, жиноят процессида айблов тарафи билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши учун етарли шароит яратиш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришни янги босқичга қўтариш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида адвокат нуфузи ва процессуал мақомини ошириш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш<sup>2</sup> га қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларга қарамадан, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳимоячининг ўз касбий фаолиятини амалга ошириши учун тўлақонли ҳуқуқларга эга эмаслиги, уларни амалга ошириш механизмнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда муайян тўсиқларнинг, жумладан, исбот қилиш жараёнидаги иштироки ва далиллар тўплаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишдаги қонунчиликдаги коллизия нормаларнинг мавжудлиги ушбу соҳани тадқиқ этиш заруриятидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 12 майда қабул қилинган “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-

<sup>1</sup> [http://www.mcca.ru/partnership/international\\_bar\\_association/International\\_Bar\\_Association/](http://www.mcca.ru/partnership/international_bar_association/International_Bar_Association/)The global voice of the legal profession

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., №6., 70-м.

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сонли, 2020 йил 10 августда қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6041-сонли Фармонлари, шунингдек 2019 йил 13 декабрда қабул қилинган “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4551-сонли Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар Ғ.А. Абдумажидов, И.Р. Астанов, Д.Б. Базарова, З.Ф. Иноғомжонова, К.И. Ишнйезов, Б.А. Миренский, Э.Х. Норбўтаев, Б.Х. Пулатов, Б.А. Ражабов, Ф.А. Рамазонова, Х.А. Раҳмонкулов, С.М. Раҳмонова, М.Х. Рустамбаев, Б.Саломов, Г.П. Саркисянц, Г.З. Тулаганова, У.А. Тухташева, Б.Б. Хидоятлов, С.Б. Хўжакулов, А.О. Шарафутдиновларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган. Жумладан, М.Х. Рустамбаев, У.А. Тухташева адвокатлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, Б.Саломов адвокатури институти ва адвокатлик фаолиятини, Г.З. Тулаганова жиноят ишларини юритишда ҳимоячи иштирокини, Д.Б. Базарова жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичида адвокат иштирокини илмий тадқиқот даражасида ёритган. К.И. Ишнйезов эса “Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида ҳимоячи иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

Ҳимоячининг ишни судга қадар юритишдаги ҳуқуқий мақоми ва унинг исбот қилиш билан боғлиқ фаолиятига оид муаммолар МДҲга аъзо давлатларда Р.С. Белкин, М.Ж. Битокова, А.А. Васяев, А.Н. Ведерников, Т.Ю. Герасимова, А.Д. Героев, К.Ф. Гуценко, А.Давлетов, К.Б. Калининский, З.Ф. Коврига, И.С. Краскова, П.А. Лупинская, Е.Г. Мартынчик, И.Е. Милова, Э.Х. Надысева, К.А. Наумов, И.Л. Петрухин, И.А. Пикалов, И.А. Ретюнских, А.П. Рыжаков, А.В. Смирнов, М.Б. Смоленский, Ю.И. Стецовский, И.И. Схаляхо, И.В. Тишутина, И.Л. Трунов, А.С. Ургалькин, С.А. Шейфер, Л.Юсупова, Д.М. Ямбаева, И.С. Яртых томонидан, хорижлик олимлардан S.C.Thaman, T.M.Wille<sup>1</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Бироқ юқоридаги тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ишни судга қадар юритиш: терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов босқичларида ҳимоячи процессуал мақомини

<sup>1</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини кенгайтириш, унинг исбот қилишдаги иштирокини комплекс концептуал таҳлил қилиш амалга оширилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги "Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш шароитида адвокатура институтини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини амалга оширишдаги муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг процессуал мақомини таҳлил этиш ва шу асосда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишни судга қадар юритишда ҳимоячи фаолиятининг назарий асосларини ва процессуал табиатини таҳлил этиш, хусусан ҳимоя функциясининг амал қилишини босқичларга бўлиб таснифлаш ҳамда ҳимоя тушунчаси моҳиятини очиб бериш;

ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг таъминланиши масаласини тадқиқ этиш ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш усули сифатида ишни судга қадар юритишда фаолият олиб боровчи тергов судьяси институти жорий этилишини ва унинг ҳимоячи фаолиятидаги аҳамиятини ўрганиш;

терговга қадар текширувда ҳимоячи иштирокининг таъминланиш ҳолатини ва бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш;

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши хусусиятларини очиб бериш;

ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш йўналишларини белгилаш;

ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг исбот қилишдаги иштирокини таҳлил этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ишни судга қадар юритишда ҳимоячи сифатидаги адвокат фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳимоячининг ишни судга қадар юритишдаги ҳуқуқлари ва иштирокини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, киёсий-ҳуқуқий, мантикий (анализ ва синтез), социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, статистик маълумотлар таҳлили, қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гумон қилинувчи ва айбланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олиш, белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳолларни истисно этган

ҳолда, факат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши лозимлиги асослантирилган;

шахс амалда ушланган вақтдан бошлаб унинг ҳимоячига эга бўлиши шартлиги асослантирилган;

ўта оғир жиноятни содир этганликда гумон қилинаётган ёхуд айбланаётган шахсларга доир ишларни кўриб чиқишда ҳимоячи иштирокининг шартлиги асослантирилган;

шахсни қамоққа олиш ёки унга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ишни судга қадар юритишда ҳимоя тушунчасининг мазмуни очиб берилиб, ҳимоя, тортишув принципи, далилларни тақдим этиш тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг ҳуқуқлари ва процессуал имкониятларини янада ошириш мақсадида тергов судьяси институтини жорий этиш зарурияти асослантирилган;

терговга қадар текширувда ҳимоячи иштирокининг зарурлиги ҳамда терговга қадар текширув иштирокчиларининг процессуал мақоми аниқланиб, уларнинг ҳуқуқларини тартибга солувчи нормалар ишлаб чиқилган ва ЖПКга “Терговга қадар текширув иштирокчилари. Терговга қадар текширувда ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши” деб номланувчи янги 40<sup>2</sup>-боб сифатида киритилиши тавсия этилган;

ЖПКнинг “Исбот қилиш иштирокчилари” деб номланган 86-моддаси 1-қисмига қўшимча киритган ҳолда, ҳимоячини исбот қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга шахс сифатида кўрсатиш лозимлиги асослантирилган;

ЖПКдаги “Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланган 53-модда, “Далилларнинг турлари” деб номланган 81-модда ва “Далиллар тўплаш” деб номланган 87-модданинг 2-қисмига қўшимчалар киритиш зарурияти асослантирилиб, ҳимоячи ҳуқуқлари кенгайтирилган ва унинг далиллар тўплаш ҳуқуқини таъминлашга оид процессуал имкониятлари оширилган. Хусусан, ҳимоячининг гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида (жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилиш ва бошқаларда) ҳам иштирок этишини, ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар беришини, жиноят иши ва терговга қадар текширув материаллари билан жиноят процессининг ҳар қандай босқичида танишиши ва улардан техник воситалар ёрдамида нусха олишини, ўз ташаббуси билан шартнома асосида эксперт ва мутахассис хулосасини олишини, шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритишини белгилаш ҳамда адвокат сўрови вақтида ёлгон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни ўрнатиш зарурлиги асослантирилган;

ишни судга қадар юритиш сўнгида ҳимоячи томонидан “ҳимоя хулосаси” тайёрланиб, судга тақдим этилишини жорий этиш тақлифи илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ушбу тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, айрим хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибаси ҳамда социологик тадқиқотлар, анкета сўрови натижалари (155 нафар адвокат ва суд-тергов амалиёти ходимлари ўртасида ўтказилган) ва 120 га яқин жиноят ишлари материалларини ўрганиш орқали асосланган. Мазкур натижалар умумлаштирилган ҳолда, тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар жиноят-процессуал ҳуқуқи ва адвокатура фанлари назариясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юриспруденция йўналишидаги олий ўқув юртларида дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот иши ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти келгусида ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш, унинг процессуал мақомини янада мустаҳкамлаш ва фаолият механизмининг тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш орқали жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан қонун лойиҳалари ҳамда бу борадаги амалиётни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилишида ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришни тадқиқ этиш натижалари асосида:

гумон қилинувчи ва айбланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олиш, белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳолларни истисно этган ҳолда, фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сон Қонунининг 2-модда 1-қисми 2-бандининг 3-хатбошисига ўз ифодасини толган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 17 мартдаги 06/1-05/1202-сон далолатномаси). Ушбу таклиф гумон қилинувчи, айбланувчи ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоячи томонидан терговга қадар текширув босқичида таъминланишига, шунингдек уларга нисбатан қийноққа солиш ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турлари қўлланилишининг олдини олишга хизмат қилган;

шахс амалда ушланган вақтдан бошлаб унинг ҳимоячига эга бўлиши шартлиги ҳақидаги таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда



Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сон Қонунининг 2-модда 1-қисми 4-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқук масалалари қўмитасининг 2021 йил 17 мартдаги 06/1-05/1202-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ушлаб туришнинг аниқ муддатини белгилашга ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ҳимоя хуқуқи қачондан бошлаб таъминланишини аниқлашга хизмат қилган;

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишларни кўриб чиқишда ҳимоячи иштирок этиши шартлигини белгилаш тўғрисидаги таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сон Қонунининг 2-модда 1-қисми 5-бандининг 3-хатбошисида ифодаланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқук масалалари қўмитасининг 2021 йил 17 мартдаги 06/1-05/1202-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ҳимоячининг хуқуқларини кенгайтириш орқали унинг ишни судга қадар юритишдаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилган;

шахсга нисбатан камокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда камокда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиладиганда ҳимоячи иштирок этиши шартлигини белгилаш тўғрисидаги таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сон Қонунининг 2-модда 1-қисми 5-бандининг 4-хатбошисида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқук масалалари қўмитасининг 2021 йил 17 мартдаги 06/1-05/1202-сон далолатномаси). Мазкур таклиф жиноят ишларини юритишда ҳимоячи мақомини оширишга, шу орқали шахс ҳимоя хуқуқининг мустақамланишига хизмат қилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича 21 та илмий иш, шу жумладан 10 та илмий мақола (улардан 2 таси хорижий нашрларда) ва 1 та монография чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ишни судга қадар юритишда химоячи ҳуқуқларининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида диссертант химоячи фаолиятининг назарий асосларини ташкил этувчи химоя функцияси, химоя ҳамда химоячи тушунчаси ва унинг адвокат тушунчаси билан боғлиқлигига эътиборни қаратган ва таҳлил этган. Шунингдек, химоячи фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг таъминланиши ва химоячи ҳуқуқларининг кенгайтирилишига имкон берувчи тергов судьяси институтини жорий этиш масаласини тадқиқ этган.

Бунда химоя функциясининг ишни судга қадар юритиш босқичларида амал қилишини терговга қадар текширувда, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда, айбга иқроорлик тўғрисида келишув тузишда, амнистия актини қўллашда, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда, дастлабки эшитувда, ишни суд муҳокамасига тайёрлашдаги босқичларга бўлган ҳолда таснифлаган.

Диссертантнинг фикрига кўра, химоячи ўз фаолияти давомида химоя мақсадларидан бири бўлган – айбловни рад этиш ва шу мақсадда далиллар тўплаш ва тақдим этишни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги мустаҳкамланган. Бу эса гумон қилинувчи ва айбланувчидан ўз айбсизлигини исботлаши талаб этилмаслигини англатади. Бунда айбланувчи ўз айбсизлигини исботлаши мумкин, бироқ бу – унинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Исбот қилиш мажбурияти дастлабки терговда терговчининг, судда эса давлат айбловчисининг мажбурияти ҳисобланади. Химоя тушунчасига Жиноят-процессуал кодексда таъриф бериб ўтилмаганлиги эса Кодекснинг 23-моддаси мазмунини англашда ва химоячи фаолиятининг моҳиятини таҳлил этишда муайян

тушунмовчиликларни келтириб чиқариши сабабли ҳимоя тушунчасига ЖПКда таъриф бериб ўтилишининг муҳимлиги асослантирилган.

Муаллиф жиноят процессида тортишув принципининг амал қилиш доирасини унинг ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳам таъминланишига эришиш орқали кенгайтириш фикрини илгари суриб, бу билан айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал имкониятларини тенглаштириш мумкинлигини таъкидлайди. Шунга кўра, ЖПКда тортишув принципи жиноят процессининг барча босқичларида, жумладан, ишни судга қадар юритишда ҳам амал қилишини белгилаш таклифини илгари суради. Бунда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида унинг ҳолис орган бўлган судга мурожаат этишини, бироқ амалда фаолият юритаётган судларга ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишувни назорат қилиш ҳамда ҳимоячининг барча мурожаатларини кўриб чиқиш вазифасини юқлаб бўлмаслигини қуйидаги омиллар билан асослантиради:

1) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг статистик маълумотларига кўра, республикада фаолият юритаётган адвокатлар ҳозирда 4200 нафарга яқин бўлиб, судлардаги иш ҳажмининг юқорилиги эса ишни судга қадар юритишда адвокатларнинг ҳар бир мурожаатини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имкониятини бермайди; 2) айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, судьянинг айблов тарафи тўплаган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ҳолислигига шубҳа туғдиради. Шу сабабли ҳам гумон қилинувчи (айбланувчи)ни камокка олиш асосларини белгилаган судья унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас; 3) судьянинг ишни судга қадар юритишдаги ҳар қандай ҳулосаси муайян даражада айблилик масаласини ҳал қилади, бу эса келгусида ушбу шахсга нисбатан суд муҳокамаси жараёнида айблилик масаласини ҳал этишда судьянинг бетарафлигига даҳл қилиши мумкин.

Адвокатларнинг фикрига кўра (ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 75,2 %), жиноят иши юзасидан айблов ҳулосасининг прокурор томонидан тасдиқланиш амалиётини бекор қилиш ва бу ҳақдаги нормани ЖПКдан чиқариш зарур. Ишни судга қадар юритишда прокурорнинг ҳам худди адвокат сингари иш материаллари ва тўпланган далиллар билан танишиши ва ўз розилигини англаувчи ҳулоса (“розилик ҳулосаси”) ни расмийлаштириши, далилларнинг эса ишни судга қадар юритишдаёқ суд томонидан баҳоланишидан иборат тартибни жорий этиш бу борадаги энг тўғри ечим сифатида эътироф этилган. Бу эса тортишув принципига мувофиқ айблов ва ҳимоя тарафларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида далилларни тақдим этишлари ва ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишлариغا имкон беради. Халқаро экспертлар ҳам ишни судга қадар юритиш жараёнида суд томонидан ҳал қилинадиган масалаларни ишни мазмунан кўриб чиқишдан ажратиш, шунингдек ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини кучайтиришни тавсия этадилар.

Муаллиф томонидан ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш унинг ҳолис ва беғараз судга мурожаат қилиши орқали амалга ошиши мумкин деган

хулосага келинган ва ишни судга кадар юритиш босқичларида фаолият олиб боровчи, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи жинойт ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида *тергов судьяси лавозимини* жорий этиш таклиф этилган. Тергов судьяси институтига оид айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, Германия, Бельгия, Греция, Ирок, Испания, Нидерландия, Хорватия ва айниқса, Францияда ушбу институт ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келаётганлиги аниқланган. Хусусан, Германияда тергов судьяси (участка судьяси) жинойт процессида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг фаолияти Германия адвокатлари учун катта имконият ҳисобланади. Тергов судьясига қамокка олиш, тинтув ўтказиш, ДНК таҳлилларини ўтказиш, телефон-сўзлашув қурилмаларини эшитиш каби прокурор мурожаатлари юзасидан қарор қабул қилиш масъулияти юкланган. Тергов судьяси фаолиятининг муҳим аҳамият касб этиши ўз ўрнида адвокат фаолиятига ҳам таъсир этади. У полиция ва прокуратура органларининг ҳаракатларини кўриб чиқади ҳамда ушбу органлар фаолиятининг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширади. Шунингдек, полиция ҳаракатларини чеклайди, бу эса адвокатлар учун ўта муҳимдир, чунки иш тергов судьяси юритишда бўлган вақтда у ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқмагунча қарор қабул қилмайди, бу эса ҳимоячи фаолиятига ижобий таъсир этади ва ҳимоячига иш юзасидан прокуратурада мавжуд бўлган барча маълумотлар билан эртароқ танишиш имкониятини беради. Натижада, адвокат ҳимояни тўғри ва самарали амалга оширишга эришади. Шу орқали тарафларнинг тенг имкониятларга эга бўлиши таъминланади. Ҳозирда МДҲ ва бошқа давлатларда ҳам тергов судьяси институти жорий этилаётганлиги, хусусан, 2002 йилда Литва (ЖПК 158-м.), 2003 йилда Молдавия (ЖПК 41-м.), Эстония (ЖПК 21-м.), 2005 йилда Латвия (ЖПК 210-м.), 2013 йилда Украина (ЖПК 3-м.), 2015 йилда эса Қозоғистон (ЖПК 55-м.), Грузия (ЖПК 20-м.) ва Қирғизистон (ЖПК 31-м.)да ушбу институт жорий этилганлиги, Арманистонда тергов судьяси институтини жорий этиш масаласи кўриб чиқилаётганлиги ҳамда бу борада халқаро экспертларнинг ҳам ишни судга кадар юритиш жараёнида суд томонидан ҳал қилинадиган масалаларни ишни мазмунан кўриб чиқишдан ажратиш, шунингдек ишни судга кадар юритиш устидан суд назоратини кучайтиришни тавсия этаётганликлари ҳам маълумот ўрнида келтириб ўтилган.

Диссертация иши доирасида судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, терговга кадар текширув органлари ходимлари ва адвокатлар ўртасида ўтказилган сўровда ишни судга кадар юритишда фаолият олиб боровчи тергов судьяси институтини ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш воситаси сифатида қонунчиликка киритиш ва ушбу институтни амалиётга жорий этиш лозимлигини респондентларнинг 81% и маъқуллаганлиги ҳам диссертант таклифининг ўринли эканлигини кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда судлар томонидан 859 нафар шахс, 2020 йилда 781 нафар шахс, 2021 йилнинг 1-чораги давомида эса 186 нафар тергов органлари томонидан асоссиз айб кўйилган шахслар судлар томонидан оқланганлиги бугунги кунда тергов жараёнида оқловчи далиллар етарли даражада эътиборга олинмаётганлигидан, бу эса шахс ҳуқуқларини кафолатловчи ҳимоя функциясини кучайтириш зарурияти мавжудлигидан далолат беради.

Жиноят процессида шахсларнинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олиш, ишни судга қадар юритишда ҳимоя функцияси амал қилишини кучайтириш, бунинг учун тортишув принципи доирасини кенгайтириш ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратиб бериш мақсадида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш лозимлиги асослантирилган.

Диссертациянинг **“Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши билан боғлиқ муаммолар”** деб номланган иккинчи бобида ҳимоячининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговдаги иштироки билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган ва уларнинг ечими юзасидан илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, ишни судга қадар юритишнинг дастлабки босқичи – терговга қадар текширувда шахс ҳуқуқларининг чекланиши унда ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Тадқиқот жараёнида сўровда иштирок этган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва адвокатларнинг 90,6 % и ҳам терговга қадар текширувда ҳимоячи иштирок этиши керак, деган фикрни билдирганлар.

Диссертант томонидан ЖПКга терговга қадар текширув иштирокчилари, уларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, терговга қадар текширув ҳаракатларида ҳимоячининг ўрни ва ҳуқуқларини назарда тутувчи янги 40<sup>2</sup>-бобни киритиш, унда терговга қадар текширув иштирокчилари сифатида терговга қадар текширувни олиб боровчи шахслар: терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, суриштирув органи, суриштирув органининг ёки бўлимининг бошлиғи, терговчи, тергов органи бошлиғи, шунингдек, аризаچی, жабрланувчи, гувоҳ, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, ҳимоячи, эксперт ва мутахассис иштирокини белгилаш; ўзига нисбатан терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс деганда жиноятга оид бирор-бир буюм, ашё ёки жиноят изи мавжуд бўлган, гумон остига олинган ёки жиноят ходисаси юзасидан бирор-бир маълумотга эга бўлган шахслар тушунилиши кераклиги асосланган.

Бундан ташқари, ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, хусусан, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат

этилишини ЖПКнинг 49-моддаси тўртинчи қисмига ўзгартиш киритган ҳолда акс эттириш ҳамда адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни терговга қадар текширувчи амалга оширувчи орган бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлинмаси бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан кейин йўл қўйилишини назарда тутган ҳолда ЖПКнинг “Ҳимоячи” деб номланган 49-моддасини янги таҳрирда акс эттириш тақлифи асослантирилган.

Муаллиф ҳимоячининг суриштирув ва дастлабки терговдаги иштирокининг асоси бўлган:

ҳимоячининг барча тергов ҳаракатларида, хусусан, ҳимояси остидаги гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари (жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилиш ва бошқалар)да ҳам иштирок этишини;

ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар беришни;

жиноят иши ва терговга қадар текширув материаллари билан жиноят процессининг ҳар қандай босқичида танишиш ва улардан техник воситалар ёрдамида нусха олишни;

ўз ташаббуси билан шартнома асосида эксперт хулосаси ёки мутахассис фикрини олиш ҳамда уларни жиноят ишига қўшиб қўйиш бўйича илтимоснома киритишини;

шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритишни;

ҳимоячига муайян иш юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов тамомланганидан сўнг “ҳимоя хулосаси”ни тузиши ҳамда 3 кун ичида судга тақдим этиши тўғрисидаги нормани қонунга киритишини асослантирувчи тақлифларни илгари сурган.

Ўтказилган сўровда респондентларнинг 82,8 % и ҳимоячининг барча тергов ҳаракатларида, хусусан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этиш ҳуқуқи қонунда ўз аксини топиши керак, деб ҳисоблаган. Иштирокчиларнинг 89 % и ҳимоячига шартнома асосида эксперт хулосаси ва мутахассис фикрини олиш ҳуқуқи берилиши лозимлигини таъкидлаган. 82,6% иштирокчиларнинг фикрича, ҳимоячининг ишни судга қадар юритиш яқунлари бўйича ҳимоя хулосасини тузиши ва уни судга тақдим этиш ҳуқуқининг қонунчиликда белгиланиши тарафлар тенг ҳуқуқлилиги ҳамда тортишув принципининг таъминланишига хизмат қилади.

Мазкур диссертациянинг “Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг исбот қилиш жараёнидаги иштироки ва процессуал ҳуқуқларининг амалга оширилиши билан боғлиқ муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий

асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш йўллари белгиланган. Хусусан, ҳимоячининг далилларни тўплаш ва тақдим этиш билан боғлиқ ҳуқуқларини кенгайтириш зарурлиги, далилларни тўплаш исбот қилишнинг дастлабки ва мустақил босқичи эканлигидан келиб чиқиб ЖПКда ҳимоячига (87-м.2-к.) исбот қилишнинг мустақил босқичини амалга ошириш ҳуқуқининг берилиши ҳимоячининг исбот қилишни амалга ошириш субъектлари таркибига киритиш заруриятини юзага келтирганлиги асослантириб берилган.

Сўровда иштирок этган респондентлар (49,2 %) томонидан ҳимоячи томонидан иш юзасидан тўпланган маълумотлар, ҳужжатлар ва ашёларнинг далил аҳамиятига эга эмаслиги ҳимоячи томонидан уларни текшириш ва баҳолаш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланганлиги ҳам ЖПКдаги ҳимоячининг далил тўплаш ҳуқуқига аниқлик киритилиши талаб этишини кўрсатганлиги қайд этилган.

Миллий ва хорижий олимларнинг мавзуга оид фикрлари ўрганилиб, Украина, Беларусь, Арманистон, Молдова, Эстония, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Австрия, Хитой Халқ Республикаси, Япония қонунлари қиёсий таҳлил қилинган. Хусусан, АҚШда ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг далил тўплаш фаолияти гумон қилинувчи ва айбланувчини оқловчи маълумотларни тезроқ тўплаш имконини бериши, АҚШда ҳимоячи ва жиноий таъкиб органларининг далиллар тўплаш юзасидан ҳуқуқлари ўзаро муносабат эканлиги кўрсатилган.

Диссертант қонунда аниқ белгиланган терговга қадар текширув органларининг далилларни тўплаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ процессуал фаолияти сингари ҳимоячининг ҳам шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритиши, ашёлар, ҳужжатлар ва ҳолислар ёрдамида олинган бошқа маълумотлар ва баённомаларни тақдим этишнинг процессуал тартибини белгилаш таклифини илгари сурган. Сўровда иштирок этган респондентларнинг 70,1 %и ҳимоячи шахсларни уларнинг розилиги билан тушунтириш олиши юзасидан сўровдан ўтказиш баённомасини юритиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатган. Шунга мувофиқ, шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритиш ҳуқуқини тақдим этувчи нормани ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган ЖПКнинг 53-моддаси 1-қисмида ва Далиллар тўплаш деб номланган 87-моддаси 2-қисмида акс эттиришни таклиф этган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг “Ёлғон гувоҳлик бериш” учун жазо муқаррарлигини назарда тутувчи 238-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ва суд билан бир қаторда адвокат сўрови вақтида ҳам ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни белгилаш таклифи илгари сурилган.

Муаллифнинг фикрича, исбот қилиш жараёнида далиллар фақат исбот қилишни амалга оширувчи шахслар томонидан аниқланиб, тўпланмайди, балки исбот қилиш иштирокчилари ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин. Шу сабабли, далилларни тақдим этишни исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида

конунда белгилаш лозимлиги асослангирилган. Далилларни тақдим этиш Молдова ЖПКида исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида белгиланганлигини келтириб, исбот қилиш жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг фаолият ва мақсад йўналишлари турлича эканлиги ҳамда химоя тарафи томонидан тўпланган далиллар иш материаллигига кўшиб кўйилиши тўғрисидаги норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда далилларни тақдим этишни исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида конунда назарда тутиш таклиф этилган. Далилларни тақдим этишга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган, ушбу тушунчани ўзида акс эттирувчи ЖПКга янги 94<sup>1</sup>-моддани киритиш таклифи илгари сурилган.

Муаллиф химоячининг исбот қилишда тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этиши унинг фаолият самарадорлиги омили ҳисобланишини таъкидлаб, ушбу ҳолат химоячининг ўз олдига кўйган мақсадига асосланиши ҳамда бевосита халқаро конун ҳужжатлари, хусусан, Фукаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини химоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси талабларидан келиб чиқшини қайд этган.

Сўровда иштирок этган адвокатларнинг 49,6 %и далилларни текшириш ва баҳолашни мустақил равишда амалга ошириш ваколати мавжуд эмаслиги боис химоя тарафи жиноят иши юзасидан исбот қилиш жараёнидан четлатилганлигини кўрсатган. Диссертантнинг фикрича, бу химоячининг исбот қилишни амалга ошириш субъекти сифатида эътироф этилиши зарурияти мавжудлигидан далолат беради. Шундан келиб чиққан ҳолда диссертант химоячини исбот қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга шахс сифатида ЖПКнинг 86-моддаси 1-қисмига киритиш ва ушбу модданинг иккинчи қисмидан химоячи сўзини чиқариб ташлашни таклиф этган.

Диссертант химоячи томонидан тўпланиб, тақдим этиладиган далилларни далиллар турлари ва далиллар манбаларига киритиш зарурлигини асослангирган.

Химоячи томонидан далиллар тўплаш усулларидан бири бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш усули конунда ҳам, назарияда ҳам ва ҳатто амалиётда ҳам тартибга солинмаганлиги сабабли химоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш тартибини белгиловчи ЖПКга янги 87<sup>1</sup>-моддани киритиш таклифи ишлаб чиқилган.

Суд-тергов амалиётидаги шахс химоя ҳуқуқининг таъминланиши билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида МЖТКнинг Маъмурий йўл билан ушлаб туриш деб номланувчи 286-моддасига ўзгартиш киритиб, ушбу моддани ушлаб турилган шахснинг адвокат билан таъминланишининг шартлигини белгиловчи янги 4-қисм билан тўлдириш ва 3-қисмдан адвокат сўзини чиқариб ташлаш таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида белгиланган адвокатнинг химояни амалга ошириш мақсадида



давлат ва тижорат сирлари ҳамда бошқа сир ҳисобланган маълумотлар билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда танишиш ҳуқуқи белгиланган бўлишига қарамадан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонунида давлат сирлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Банк сирини тўғрисида"ги Қонунида ҳам банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва судга тақдим этилиши назарда тутилганлиги, бунда ҳимоячининг ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколатига эга шахслар таркибига киритилмаганлиги, бу ҳолат эса юқорида келтириб ўтилган қонун ҳужжатлари ўртасида ўзаро номувофиклик мавжудлиги билан бирга ҳимоячининг давлат ва тижорат сирлари ҳамда бошқа сир ҳисобланган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланмаётганлигидан далолат бериши қайд этилган. Қонунчиликдаги ушбу номувофикликни бартараф этиш ҳамда ҳимоячи ҳуқуқлари таъминланишига эришиш мақсадида ҳимоячининг судга илтимоснома билан мурожаат этиши мақсадга мувофиқлиги, бироқ амалдаги судларда ушбу ваколатнинг мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, диссертант томонидан таклиф этилган тергов судьясига ушбу ваколатнинг берилиши, шундан келиб чиққан ҳолда **тергов судьясининг ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг илтимосномасига мувофиқ қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи ҳужжатларни сўраб олиш ва ҳимоячига тақдим этиш ваколатини янги таҳрирдаги 29-моддада белгилаш таклифи илгари сурилган.**

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг Ҳимоячини таклиф этиш деб номланган 50-моддаси 3-қисмида ҳимоячининг ишдаги иштирокини таъминлашнинг аниқ механизми назарда тутилмаганлиги сабабли, амалиётда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга навбатчилик жадвали юборилмоқда. Мазкур навбатчилик жадвалига риоя этилмаганлик учун қонунчиликда бирор-бир ҳуқуқий оқибат белгиланмаганлиги амалиётда бир қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётганлиги таъкидланиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида:

- 1) ҳимоячи билан таъминламаганлик учун адвокатлик тузилмаси раҳбарининг масъулиятини ошириш;
- 2) навбатчи адвокатлик тузилмалари тўғрисидаги ёки навбатчи адвокат тўғрисидаги батафсил маълумот Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг расмий сайтга доимий жойлаштирилиши ҳамда реал вақт режимида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб борилишини таъминлаш;
- 3) навбатчилик жадвалига амал қилмаган терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши юзасидан таклифлар шакллантирилган.

## ХУЛОСА

Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқилган:

### **I. Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясини ривожлантиришга оид тақлиф ва тавсиялар:**

1. Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг амал қилишини қуйидаги босқичларга бўлиб таснифлаш тақлиф этилган:

1) терговга қадар текширувда ҳимоя функцияси;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда ҳимоя функцияси;

3) ишни судга қадар юритиш босқичларида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тузишда, амнистия актини қўллашда, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда ҳимоя функцияси;

4) дастлабки эшитувда ҳимоя функцияси;

5) ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ҳимоя функцияси.

2. Ҳимоя тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган:

Ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотлар, жиноят ишини кўзгатиш учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

3. Ишни судга қадар юритишда тортишув принципнинг моҳиятини белгилаш мақсадида унга қуйидагича муаллифлик таърифи шакллантирилган:

Ишни судга қадар юритишда тортишув принципнинг мазмунини – тарафларнинг мавжудлиги, уларнинг кўриб чиқилаётган иш юзасидан асослантирилган нуқтаи назарларидан иборат бўлган маълумотларни фаол равишда ва тенглик асосида судга тақдим этишлари, суднинг эса иш юзасидан йиғилган ушбу маълумотларни далил сифатида баҳолаш ҳамда айблов ва ҳимоя тарафи устидан суд назоратини амалга ошириш фаолияти ташкил этади.

4. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқлари амалга оширишга шароит яратиб берувчи институт сифатида тақлиф этилган “Тергов судьяси”га қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган:

